

ХУРРАМОВ Азамат Файзуллаевич,

Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти
профессори, иқтисод фанлари доктори;

ТУРОБОВ Шерзод Алишеревич,

Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти
катта ўқитувчиси;

МИНГБОЕВ Шухрат Мингбой ўғли,

Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти
катта ўқитувчиси

УЙ ХЎЖАЛИГИДА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМИ

УДК 334.024

ХУРРАМОВ А.Ф., ТУРОБОВ Ш.А., МИНГБОЕВ Ш.М. УЙ ХЎЖАЛИГИДА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМИ

Мақолада уй хўжаликларида тадбиркорлик шаклини кенгайтириш ва қўллаб қувватлаш иқтисодий ривожланиш ва тараққиёт мезони сифатида кўриб чиқилган. Аҳолининг шахсий ёрдамчи хўжаликлари мисолида унинг афзал томонлари кўрсатиб ўтилган. Уй хўжаликларида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш бўйича давлат сиёсатини юритиш мамлакатдаги қатор ижтимоий-иқтисодий муаммолар ечими эканлиги очиб берилган.

Таянч иборалар: уй хўжалиги, оила хўжалиги, шахсий ёрдамчи хўжалик, инновацион иқтисодиёт, бошқариш усуллари, тадбиркорлик фаолияти.

ХУРРАМОВ А.Ф., ТУРОБОВ Ш.А., МИНГБОЕВ Ш.М. ЭКОНОМИЧЕСКИЙ МЕХАНИЗМ РАЗВИТИЯ ИННОВАЦИОННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ В ДОМАШНЕМ ХОЗЯЙСТВЕ.

В статье рассмотрены вопросы расширения и поддержки видов предпринимательства домашних хозяйств как фактор экономического развития. Показаны его положительные стороны на примере собственных вспомогательных хозяйств населения. Раскрыты решения социально-экономических проблем за счет осуществления государственной политики по развитию деятельности предпринимательства домашних хозяйств.

Ключевые слова: домашнее хозяйство, семейное хозяйство, личное вспомогательное хозяйство, инновационная экономика, методы управления, предпринимательская деятельность.

HURRAMOV A.F., TUROBOV SH.A., MINGBOEV SH.M. ECONOMIC MECHANISM OF INNOVATIVE ACTIVITIES FOR THE HOUSEHOLD ECONOMIES DEVELOPMENT

The article focuses on the issues of further strengthening different types of entrepreneurship in households as important factor for economic development. Its positive aspects are shown on the example of own auxiliary households of the population. The decisions of social and economic problems of conducting the state policy of households entrepreneurship activity development are revealed.

Keywords: household, family economy, personal support economy, innovative economy, methods of management, business activity

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигида хусусий мулкнинг индивидуал шаклига уй хўжалиги киради. Хусусий мулкчилик жамият ривожига ижобий таъсир кўрсатади. Хусусий мулкчилик мулк эгаларида мулкдан унумлироқ фойдаланиш қобилиятини оширади. Чунки мулкдор мулкидан қанча унумлироқ фойдаланса, ўзи шунча кўпроқ манфаатдор бўлади. У иқтисодиётни барқарорлаштиради, бозор иқтисодиётида ўзаро рақобатни авж олдиради ва қиймат қонунининг амал қилишига ижобий таъсир кўрсатади.

Уй хўжалигида корхона сифатида ишчи билан тадбиркор бир шахсда гавдаланади, деб қараш мумкин ва шунга кўра унинг фойдаси тадбиркор сифатида тўлалигича ёлланма ишчи сифатидаги харажатлари билан қондирилади. Уй хўжалигида меҳнат жараёни муддатлари ва юкмасини ходимнинг ўзи белгилайди ва ўз хўжалигида ташкилотчи, раҳбар шу билан бирга мулк эгасидир. Мулк эгаси сифатида ўз хўжалигида мол-мулкга нисбатан тежамкор муносабатда бўлади. Уй хўжалигида ишчи кучи захираси, таркиби ва меҳнат ресурслари фаоллиги оила таркиби ва сони билан белгиланади. Бу асосий омил сифатида уй хўжалигини бошқа турдаги хўжаликлардан фарқлайди. Уй хўжалиги миллий иқтисодиётда ишлаб чиқаришда ресурслардан тежамли фойдаланадиган хўжалик шакли сифатида характерланади. Уй хўжалигининг бу характери унинг оиласи пул харажатларини камайтиради ва бу билан оила бюджетини мустаҳкамлайди. Уй хўжалигида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг ташкил этилиши, давлатни ижтимоий ишлаб чиқариш секторида ушбу маҳсулотларни ишлаб чиқариш харажатлари ва шу билан бирга аҳолига хизмат кўрсатиш харажатларини камайтиради.

Уй хўжалигининг ижтимоий-иқтисодий мақсади жамиятга нисбатан деярли бир-бирига ўхшашдир. Асосий фарқ шундан иборатки, уй хўжалиги эгасининг бош мақсади ўз оиласининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини қондириш ва фойда олишдан иборатдир. Модомики, ушбу хўжаликларда жамият эҳтиёжларини қондирувчи ижтимоий маҳсулотнинг бир қисми яратилар экан, у ҳолда агросаноат мажмуининг яхлит элементи сифатида уй хўжалигининг функциялари унинг алоҳида оила даражасидаги функцияларига қараганда бир мунча кенг қамровлидир. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш уй хўжалигининг бош вазифаси ҳисобланади.

Бундан ташқари уй хўжаликларининг аксарият қисми қишлоқ хўжалик маҳсулотини етиш-

тириш ва унинг маълум бир қисмини уй шароитида қайта ишлаш каби кўшимча тадбиркорлик фаолиятларини ҳам олиб боради¹. Шу билан бирга, уй хўжалиги оила аъзолари бошқа шаклдаги оила тадбиркорлиги ёки яққа тартибда меҳнат фаолияти олиб боришлари мумкин.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида хусусий мулк ҳуқуқи ва кафолатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес ривожини йўлидаги барча тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш, унга тўлиқ эркинлик бериш, “Агар халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва кучли бўлади” деган тамойилни амалга ошириш борасидаги тадбирларга алоҳида эътибор қаратилган.

Бизга маълумки, 2012 йил 26 апрелда Ўзбекистон Республикасининг 2^о Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги Қонуни³ эълон қилинди. Қонуннинг 3-моддасида “4Оилавий тадбиркорлик оила аъзолари томонидан таваккал қилиб ва ўз мулккий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олиш мақсадида амалга ошириладиган ташаббускорлик фаолиятидир”, деб белгилаб берилди. Ушбу қонундан келиб чиққан ҳолда, оилавий тадбиркорликнинг асосий белгилари сифатида қуйидагиларни кўрсатиб ўтиш мумкин.

Қонунга кўра, агар оилавий тадбиркорлик юридик шахс кўринишида ташкил этилса, у оилавий корхона деб юритилади. Оилавий корхона унинг иштирокчилари томонидан товарлар ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) ва сотиш учун ихтиёрий асосда, оилавий корхона иштирокчиларининг улушли ёки биргалиқдаги мулк-

¹ Ахмедов У.Қ. Қишлоқ жойларида уй хўжаликларининг ривожланиш истиқболлари. (Монография). -Т.: «Fan va texnologiya», 2014, 3 бет.

² Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 26 апрельдаги “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида” Қонуни, 3-модда.

³ Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Т. // “Халқ сўзи”, 2017 йил 23 декабрь.

⁴ Муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган.

кида бўлган умумий мол-мулк, шунингдек оилавий корхона иштирокчиларидан ҳар бирининг мол-мулки негизида ташкил этиладиган кичик тадбиркорлик субъектидир. Оилавий корхона фаолияти унинг иштирокчиларининг шахсий меҳнатига асосланади. Оилавий корхона тадбиркорлик субъектларининг ташкилий-ҳуқуқий шаклларида биридир.

Ўзбекистон Республикасини инновацион иқтисодиётга ўтиш шароитда иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришлар ва тизимли ислохотларни амалга ошириш, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашнинг омили сифатида оилавий тадбиркорлик субъектлари бўлган уй хўжаликларининг аҳамияти ортиб бормоқда.

Миллий иқтисодиётнинг барча соҳалари ва тармоқларида инновацион фаолиятнинг мазмунида кескин фарқ йўқ, бироқ инновацион ривожланишнинг характери ва йўналишларида сезиларли даражада фарқ бўлиши мумкин. Масалан, қишлоқ хўжалигида инновацион ривожлантиришнинг ўзига хос жиҳатлари бу уй хўжаликлари ишлаб чиқариши хусусиятларидан келиб чиқади. Уй хўжалигида инновацион жараёнлар ўзига хос хусусиятларга эга. Ушбу уй хўжалигидаги такрор ишлаб чиқариш жараёни ўз навбатида иқтисодий ва табиий-биологик жараёнлар таъсирида амалга ошириш билан характерланади. Шундан келиб чиқиб, тармоқда инновациянинг селекцион-генетик; техник-технологик ва ишлаб чиқариш; ташкилий-бошқарув ва иқтисодий; ижтимоий-экологик каби тўртта тури мавжуд. Инновациянинг ушбу турларини уй хўжалигининг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳасида амалга ошириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва техник-технологик янгилаш учун инвестицион шарт-шароитлар яратишни талаб этади.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида "Фаол тадбиркорлик бизнес фаолиятини инновацион, яъни замонавий ёндашувлар, илғор технология ва бошқарув усуллари асосида ташкил этиладиган иқтисодий йўналишдир. Фаол тадбиркор деганда, биз рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга қодир, энг муҳими, янги иш ўринлари яратиш, нафақат ўзини ва оиласини боқадиган, балки бутун жамиятга наф тирадиган ишбилармон инсонларни тушунамиз. Бундай тадбиркорлар сафини кенгайтириш, жумладан, юқори технологиялар, илм-фаннинг энг сўнгги ютуқларига асосланган техника ва асбоб-ускуналарни мамлакатимизга олиб келиш ва жорий этиш учун уларга муносиб шароитлар яра-

тиш бизнинг биринчи галдаги вазифамиз бўлиши шарт", деб таъкидлаб ўтган.

Интенсив қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш тажрибасига эга бўлган ривожланган давлатлар тажрибасига асосан бу ўзига хос специфик тармоқда илмий-техникавий тараққиётга бутун жамият ва унинг маҳсулотли истеъмолчилари ҳам масъул бўлиб ҳисобланади. Ўзига хос чекланган ташкилий-иқтисодий ва техник имкониятларга эга бўлган тармоқ сифатида қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва инновацион фаолиятни тартибга солиш тизимсиз мустақил самарали фаолият олиб бора олмайди. Шу муносабат билан уй хўжалигида инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг асосий йўналиши бу инновацион жараён ижрочилари фаолияти ва шу билан бирга ўзига хос давлат тадбирлари тизимини кучайтиришни талаб этади.

Уй хўжаликларида инновацион фаолиятни ташкил этишнинг муҳим шаклларида бири инновациялар бозорига илмий-техник маҳсулотларни киритиш, ахборот-маслаҳат таъминоти, лойиҳалар экспертизаси, таклифлар ва буюртмалар, тажриба ишлаб чиқариш базаларини ривожлантириш, молиялаш учун молия-кредит тузилмалари вужудга келишини ташкил этиладиган корхоналарни шакллантиришни кўзда тутадиган инновацион инфратузилмани ривожлантириш ҳисобланади.

Уй хўжаликларида инновацион ривожлантиришнинг иқтисодий механизми – илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторликни ташкил этиш ва ривожлантиришда ўзаро боғлиқ шакл ва йўллар тизими бўлиб, уй хўжалигининг илмий-техник соҳасида бизнесни ривожлантириш ва инновацион жараёнларнинг барча босқичларида (ташкил этиш, тарқатиш, агроинновацияларни жорий этиш ва ўзлаштириш), қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришни ижтимоий-иқтисодий ва инновацион ривожланиш даражасини кўтариш мақсадида унинг иштирокчиларининг ўзаро ҳамкорлиги асосида давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ҳисобланади.

Уй хўжаликларида инновацион ривожланиш стратегиясидан келиб чиқиб иқтисодий механизмни шакллантириш қуйидаги йўналишларда амалга ошириш лозим:

- инновацион фаолиятни меъёрий-ҳуқуқий тартибга солиш тизимини шакллантириш;
- уй хўжалигининг республика ва маҳаллий даражаларида инновацион фаолиятни мақсадли-дастурли ривожлантириш;
- давлат-хусусий бизнес ҳамкорлигини ривожлантириш.

1-чизма–Уй хўжалигида инновацион ривожлантиришнинг иқтисодий механизми.

		Давлат-хусусий бизнес ҳамкорлиги		
ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМ	Йўналишлар	Шакли	Йўллари	
			Давлат даражаси	Бозор даражаси
	Молиявий ташкил этувчилар	Солиқлар орқали рағбатлантириш	– солиқ имтиёзлари, шу билан бирга тармоқ ИТИГа; – амортизация сиёсати	– солиқ кредити; – амортизация фонди; – капитал қўйилмалар
		Божхона тизими бўйича рағбатлантириш	Божхона расмийлаштирилиши	Таъриф имтиёзлари
		Субсидиялаш	Тўғридан-тўғри молиялаш (субсидия, дотация, займлар)	Инновацияларни жорий этиш фондлари
		Кредитлаш	Фоизсиз ссудалар	Имтиёзли кредитлар
		Венчурли молиялаш	Тавакалли, улушли инвестиция фондлар (венчурли инвестициялар)	Инвестицион, венчурли фондлар
	Ташкилий-тадбиркорлик бўйича ташкил этувчилар	Илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик соҳасида шартнома-лар ва буюртмалар	Давлат инвестицион буюртмаси	– лизинг муносабатлари; – инновацион кичик корхоналар
		Информацион қўллаб-қувватлаш	Илмий-техник фаолият, интеллектуал мулк объектларини ҳисобга олиш натижаларини намойиш этишда қўллаб-қувватлаш	– инновацион марказлар, консултатив хизматлар; – илмий-техник маълумотлар базаси
		Фан-таълим -бизнес интеграцияси	– кластерлар; – эркин иқтисодий ҳудудлар; – давлат буюртмаси асосида инновацион менежерларни тайёрлаш; – раҳбар ходимлар малакасини ошириш	– бизнес инкубаторлар; – ҳамкорликнинг улушли шакли; – агротехнопарклар; – мегалойиҳалар; – технологик платформалар
Маъмурий-ҳуқуқий ташкил этувчилар		Республика ва маҳаллий дастурлар		
		Ҳуқуқий базани такомиллаштириш		
		Маъмурий бошқарув		

Уй хўжалигини инновацион ривожлантиришнинг иқтисодий механизми мазмунини тадқиқ этиш ундаги ялпи институтционал, инструментал, методологик ва меъёрий-ҳуқуқий компонентларни ажратиб кўрсатиш имконини беради. Уларнинг ҳар бири аграр ишлаб чиқаришда инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг мустақил шакл ва йўлларини ҳамда уларнинг асосий ҳал этадиган вазифалар йўналишини белгилаб беради: агроинновациялар шаклланишининг барча жараёнларида

хўжалик субъектларининг инновацион фаоллигини рағбатлантириш; хўжалик субъектларининг инновацион салоҳиятини (инновацион, технологик, кадрлар, илмий, иқтисодий ва бошқалар) ошириш; тармоқнинг инвестицион жозибадорлигини ошириш; инфратузилма ва АСМ маҳсулотларини сотиш бозорларини кенгайтириш.

Уй хўжалигида инновацион фаолиятни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг самарали шакли сифатида давлат-хусусий бизнес ҳамкорлиги

тамойили асосида, яъни давлат механизми-дан фойдаланиб инновацион жараёнларни ривожлантиришда хусусий бизнес иштирокини рағбатлантириш, ресурсларни бирлаштириш, фойда ва таваккалчиликни тақсимлаш имкони, рақобат муҳитини шакллантириш ва шу билан бирга бюджет маблағларидан самарали фойдаланишга туртки берадиган давлат капитали иштироки бўлиши лозим.

Хориж тажрибаларини тадқиқ этиш шуни кўрсатмоқдаки, аграр секторда инновацион жараёнларни ривожлантириш тармоқ ИТИнинг илмий-тадқиқот фаолиятини уларга имтиёзлар тақдим этиш орқали рағбатлантиришдан бошлаш, бизнес, олий таълим ва илмий тадқиқот марказларини АСМ соҳасида миллий дастурлар доирасида давлатнинг илмий-техник мавзулари бўйича ишлаётган инновацион кичик корхоналар билан интеграция учун кенг шарт-шароитларни яратиш лозим¹.

Иқтисодий механизмнинг таъсирчан роли қишлоқ хўжалигида инновацион фаолиятни ташкил этиш ва рағбатлантириш шакл ва йўллари тизимини аниқлаш имконини беради. Тадқиқотлар асосида қишлоқ хўжалигида инновацион фаолиятни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг қуйидаги шакл ва йўллари классификацияси тизими тавсия этилади. Бу классификация мавжуд қарашлардан давлат-хусусий бизнес ҳамкорлик тамойилига асосланиши билан фарқланади.

1-чизмадаги классификациядан кўринадики, инновацион фаолиятни ташкил этиш ва рағбатлантириш шакллари миқдори етарли даражада турли-тумандир. Шунга мос равишда уни амалга ошириш йўллари бўйича бошқарув қарорларини қабул қилиш майдони ҳам кенгдир. Таъкидлаб ўтиш муҳимки, уларнинг ҳар

бири мустақил ва мақсадга йўналтирилган бўлиб, тармоқни инвестициялашда давлат-хусусий бизнес ҳамкорлиги доирасида уларнинг барчаси бир-бирини тўлдириши лозим.

Уй хўжалигини инновацион ривожлантиришнинг иқтисодий механизми амал қилиши, илмий тадқиқотларни ташкил этиш шакллари ва йўлларида, уй хўжалиги илмий-техник фаолият соҳасида бизнесни ривожлантириш ва унинг барча иштирокчиларининг ўзаро ҳамкорлигида агроинновациянинг барча жорий этиш босқичларида давлат томонидан қўллаб-қувватланишга асосланади. Шундай экан, инновациялар жамият ривожланишининг асосий қонунларини амалга оширишнинг зарурий элементи, унинг ривожланиш ва динамиклик шартини ҳисобланади. Жамиятда корхоналарнинг ривожланиши улар фаолиятининг барча жабҳаларига дахлдор бўлувчи турли хил инновацияларни ўзлаштириш йўли билан рўй беради. Негаки, бу яқин истиқболда миллий иқтисодиётда ғоялар, ихтироларни реал амалиётга тез татбиқ этиш қобилиятига асосланган инновацион иқтисодиётга ўтиш учун муҳим омилга айланишига ишончимиз комил.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, уй хўжалигида инновацион ривожланишнинг иқтисодий механизмларидан кенг фойдаланиш ва уларнинг амалиётга кенг татбиқ этилиши Ўзбекистон Республикасини глобализация шароитида озиқ-овқат хавфзислигини таъминлаш, меҳнатни моддий рағбатлантириш тизимини ривожлантириш, аҳолининг турмуш сифати ва даражасини яхшилаш, иқтисодиётда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва ундаги инқирозий ва инфляциян жараёнларни тўхтатиш, якуний натижада мамлакатда иқтисодий ўсишни таъминлашга олиб келади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Оилавий тадбиркорлик тўғрисида. 2012 йил 26 апрель. 3-модда.
2. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Т. // Халқ сўзи, 2017 йил 23 декабрь.
3. Ахмедов У.Қ. Қишлоқ жойларида уй хўжаликларининг ривожланиш истиқболлари. (Монография). -Т.: "Фан ва технология", 2014, 3 бет.
4. Алимқулов И., Давронов З. Инновацион фаолиятни давлат томонидан тартибга солишнинг хорижий давлатлар тажрибаси. Журнал. "Иқтисодиёт ва таълим" 2013 й. №2 – Б. 26.

¹ Алимқулов И., Давронов З. Инновацион фаолиятни давлат томонидан тартибга солишнинг хорижий давлатлар тажрибаси. Журнал. "Иқтисодиёт ва таълим" 2013 й. №2 – Б. 26.